

Олимжон Мамадиёров
Тошкент молия институти

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мақолада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларинг долзарблиги уни мамлакат иқтисодий хавфсизлигидаги аҳамияти ҳамда мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатларнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги, экин майдони, аҳоли сони, аҳоли турмуш даражаси, бозор, истеъмол, эҳтиёж, ишлаб чиқариш, хўжалик.

SPECIFIC CHARACTERISTICS OF ENSURING FOOD SECURITY IN UZBEKISTAN

Annotation: The relevance of issues of ensuring food security, its importance in the economic security of the country, and the specific features of socio-economic reforms carried out in this regard in our country are considered in the article.

Key words: economy, food security, agriculture, cultivated area, population, standard of living, market, consumption, need, production, economy.

Кириш

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир давлат иқтисодий хавфсизлигининг ажралмас қисми бўлиб, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни қисқартиришга хизмат қилувчи ососий омиллардан бири ҳисобланади. Глобал иқтисодий ривожланишнинг бир қисми сифатида мамлакатимизда замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган, инновацион технологияларга асосланган ҳолда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларига ички ва ташқи бозорда талаб жуда юқори бўлиб, бу борада кейинги беш йилликда олиб борилган самарали

ислохотлар эвазига йилдан-йилга қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни саноатда қайта ишлаш билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари ва корхоналарида модернизациялаш ҳамда диверсификациялаш жараёни изчиллик билан амалга оширилмоқда. Корхоналар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқаришнинг кўпайиши эвазига ҳозирда республикамиз аҳолиси эҳтиёжлари учун етарли даражада ва сифатли маҳсулотлари етказиб бериш миқдоран кўпайиб, сифат жиҳатдан яхшиланиб бормоқда. Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаш борасидаги олиб борилаётган ислохотлар кенг дунё миқёсида эътироф этилмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқаришда қишлоқ хўжалиги алоҳида ўринга эга ҳисобланади. Мамлакатимиз президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифамиздир” - деб алоҳида кўрсатиб ўтганлиги ҳам бежиз эмас.

Аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш, аҳолини етарли даражада ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосини ташкил этади. Шу боисдан, мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва аҳоли эҳтиёжига етарли даражада, сифатли ҳолда етказиб бериш масалаларининг назарий асосларини ва устувор йўналишларини таҳлил этиш давр талаби ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи

Мавзуга оид адабиётларни таҳлил этишда аҳолини етарли даражада ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларини дунёнинг бир қанча олимлари, халқаро ташкилотлари томонидан илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Ҳ.П.Абулқосимов ва Т.С.Расуловлар (2017) томонидан тайёрланган монографияда озиқ-овқат хавфсизлигининг назарий жиҳатлари, уларнинг ўзгариш тенденциялари, таъсир кўрсатувчи омиллар ва бу борада олиб борилиши керак бўлган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ёритилган.

Д.Н.Саидова ва бошқалар (2016) “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги” китобида мамлакатимиз аграр соҳасидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этишнинг халқаро тажрибаларидан фойдаланиш орқали озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш ва аҳоли эҳтиёжини сифатли маҳсулотлар билан етарли даражада таъминлаш баён этилган.

Абдуғаниев О.А. (2018) ўз мақоласида озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашнинг минтақавий хусусиятларига алоҳида эътибор қаратган ва минтақани озиқ-овқат билан таъминланганлик даражасини баҳолаш усуллари ва мезонларини кўрсатиб ўтган.

Гордиенко Д.В. (2009) озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаш мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг бир қисми сифатида, давлатда озиқ-овқат хавфсизлиги асосларини тадқиқ қилиб ва унинг илмий-амалий жиҳатларини таҳлил қилган.

Кравченко С.А. (2014) мамлакат миллий хавфсизлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинган ҳамда ушбу омиллар ичида биологик омилларнинг ўрни атрофлича кўриб чиқилган. Таҳлил натижаларига асосан мамлакатда олиб борилаётган биологик сиёсатнинг аҳамияти ёритилиб, бу борада амалга оширилиши керак бўлган тавсиялар берилган.

Тадқиқот методологияси

Озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашнинг ўзига хослиги батафсил ёритиб бериш бўйича дунё ва мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилаётган тадқиқодларни таҳлил қилиш, мавзу юзасидан маълумотларни тўплаш, таққослаш, мантикий фикрлаш каби иқтисодий тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистонда мустақилликка эришган вақтдан бошлаб, аграр ислохатларга алоҳида эътибор қаратилди, айнан аграр ислохатлар асосида қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш борасида узоқ вақтга мўлжалланган стратегик режа ва дастурлар асосида озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аввало қуйидаги шартларни бажариш керак бўлади:

– давлат ва минтақа миқёсида мувозанатлашган хом-ашё ва озиқ-овқат ресурсларини шакллантириш, сақлаш ва етказиб бериш мақсадида агросаноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш, шунингдек, агросаноат мажмуаларининг экспорт салоҳиятини барқарор ривожлантириш;

– аҳоли турмуш даражаси янада яхшилаш ва сифати истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш, тиббиёт меъёрлари бўйича етарли даражадаги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишга мос келадиган даромадлар олиш учун шароитлар яратиш;

–керакли бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом-ашёни импорт қилиш учун зарур бўлган валюта ресурслари захиралари (шу жумладан экспортдан олинган маблағлар ҳисобига) яратиш;

–мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи таъминлашнинг барқарор даражасини кўллаб-қувватлаш ҳамда импорт ўрнини босадиган маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш. Никитенко (2009).

Ушбу шартларнинг бажарилиши озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашнинг бирламчи вазифалари ҳисобланади, ҳар бир мамлакат шу шартлар асосида ўзига хос йўналишларни аниқлаб олади ва керакли чора-тадбирларни амалга оширади. Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги борасидаги кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, ҳукумат томонидан амалиётга тадбиқ этилаётган фармонлар, қарорлар ва давлат дастурларида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини акс этиши аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда 2022 йил ҳолатига озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашга алоқадор 4 та қонун, 138 та қарор (21 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, 80 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, 27 та Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ҳамда 10 та Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва кўмиталар қарорлари) амалиётга жорий этилган ва lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 апрелдаги “Аҳолини айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга доир чоралар тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга қаратилган қўшимча киритиш тўғрисида” ги қонунлари айнан озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашга хизмат қилувчи қонунлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 декабрдаги №ПҚ-58 сонли “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни тадқиқ қилиш, стратегик режалаштириш ҳамда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 16-декабрдаги №ПҚ-4922 сонли “Ўзбекистон Республикасининг БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, БМТ Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси ҳамда БМТ Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури билан ҳамкорлигини

кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 9-сентябрдаги №ПҚ-4821 сонли “Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳам мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш ва ижтимоий иқтисодий ривожланишнинг асосий омили сифатида озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаш зарурлигини асослаб беради.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда, озиқ овқат маҳсулотларининг истеъмол имкониятларини аниқлаш учун уларни уч гуруҳга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Булар:

- озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг жисмоний имкониятлари;
- озиқ овқат маҳсулотлари истеъмолининг иқтисодий имкониятлари;
- озиқ овқат маҳсулотлари истеъмолида овқатланиш хавфсизлиги.

Бу борада юртимизда олиб борилаётган ислохотлар, ишлаб чиқилган дастурлар ҳам диққатга сазовор ҳисобланади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг жисмоний имкониятлари дейилганда мамлакатимизда мавжуд озиқ овқат маҳсулотлари қишлоқ хўжалик етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ҳамда аҳолига етказиб бериш имкониятлари тушунилади. Яъни аҳоли эҳтиёжини физиологик меъёрларга мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари билан қондириш билан бирга аҳолининг турмуш даражаси билан боғлиқ равишда уларнинг сифатини ҳам кўриб ўтилиши муҳим ҳисобланади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг жисмоний имкониятлари мамлакатимиз ҳудудида керакли ҳажмдаги, халқаро талаб даражасидаги сифатли ва ассортиментдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжуд бўлиши, ҳамда уларни узлуксиз етказиб бериш имкониятларини ўз ичига олади. Бошқача айтганда, бунда аҳоли истеъмол қилинаётган маҳсулот ҳажмининг белгиланган минимал нормаларга мослигини баҳоланади.

Озиқ овқат маҳсулотлари миқдори ва аҳоли сони ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд бўлиб, аҳоли сони ортгани сари озиқ овқат маҳсулотларига бўлган талаб ортиб боради. Мамлакатимизда аҳоли сони ҳар йили ўтган даврга нисбатан ортиб бормоқда, 2021 йилнинг 1-январ ҳолатига 34,5 млн. киши ташкил қилади (1-жадвал).

1-жадвал

**Мамлакатимизда 2017-2021 йилларда озиқ овқат маҳсулотлари
ишлаб чиқариш кўрсаткичлари¹**

Кўрсаткичлар	йиллар				
	2017	2018	2019	2020	2021
Аҳоли сони	32120,5	32656,7	33255,5	33905,2	34558,9
Қишлоқ хўжалиги экинлари майdonи минг гектар	3474,5	3396,0	3309,4	3396,1	3260,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, млрд. сўм	148199,3	187425,6	216283,1	250250,6	302524,9
Саноатда Озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш млрд. сўм	24952,3	26001,2	37033,0	44014,0	55327,3
Нарх индекси (озиқ овқат маҳсулотлари)	107,8	120,1	116,9	117,2	108,3

Жадвалдан кўришиб турибдики, мамлакатимиздаги аҳоли сони 2018 йилда 536,2 минг кишига, 2019 йилда 598,8 минг кишига, 2020 йилда 649,7 минг кишига ва 2021 йилда 653,7 минг кишига кўпайиб борган. Аҳоли сонини ўзгаришини йиллар кесимида чуқурроқ таҳлил қилсак доимий ўсиш тенденциясига эга бўлганлигини кўрамыз. Аҳолига асосий озиқ овқат маҳсулотлари етказиб берувчи соҳа қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган экин майдонлари эса аксинча камайиш тенденциясига эга эканлигини кўришимиз мумкин. Экин майдонлари 2018 йилда - 78,5 минг гектарга, 2019 йилда - 86,6 минг гектарга камайган 2020 йилда эса 86,7 минг гектар ортган лекин 2021 йилга келиб - 135,4 минг гектарга камайганлигини кўришимиз мумкин. Аҳоли эҳтиёжлари учун асосий озиқ овқат маҳсулотлари етказиб берувчи қишлоқ хўжалиги ерларининг камайиши озиқ овқат маҳсулотлари тақчиллигини ёки озиқ овқат инқирозини келиб чиқишига сабаб бўлади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экин майдонлари 2017-2021 йиллар давомида қисқаришига қарамасдан ушбу йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш салмоғи ортиб борган 2018 йилда 2017 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 39226,3 млрд сўмлик кўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилган. 2019 йилда 2018 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 28857,5 млрд сўмлик кўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилган. 2020 йилда 2019 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 33967,5 млрд сўмлик кўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилган ва 2021 йилда 2020 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 52274,3

¹ www.stat.uz асосида тузилди.

млрд сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилганлигини кўришимиз мумкин.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, 2018 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари нарх индекси 2017 йилга нисбатан 20,1 фоизга ортган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш эса 79,1 фоизга ортган, 2019 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари нарх индекси 2018 йилга нисбатан 16,9 фоизга ортган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш эса 86,6 фоизга ортган, 2020 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари нарх индекси 2019 йилга нисбатан 17,2 фоизга ортган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш эса 86,4 фоизга ортган ва 2021 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари нарх индекси 2020 йилга нисбатан 8,3 фоизга ортган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш эса 82,7 фоизга ортган. Жадвал таҳлилига кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш суммасининг ортишида нарх индекси таъсири жуда кам.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш миқдори экин майдонларининг камайиши мос ҳолда камайганда жадвалдаги маълумотлар камайиши керак эди, лекин амалиётда ундай бўлмаслиги Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотларидан кўриниб турибди. Экин майдонининг камайиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ортиши ўртасидаги боғлиқликни турлича изоҳлаш мумкин:

- нарх ўсиши (инфляция) эвазига, маҳсулотларнинг нархлари ортиши ҳисобига ишлаб чиқариш миқдори камайишига қарамасдан уларнинг умумий суммаси ортиши кузатилади.

- ҳосилдорликнинг ортиши ҳисобига, бунда экин майдони камайишига қарамасдан янги замонавий техника, технологияларни қўлланиши эвазига 1 Га майдонга тўғри келадиган ҳосилдорлик ортади ва умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортади.

- экин турлари таркибини ўзгариши натижасида, аҳолига керакли ва талаб юқори бўлган озиқ овқат маҳсулотлар етиштирилади, пировард маҳсулотлар суммаси ортиб боради.


Мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоғи ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар қандай давлатда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам йилдан йилга озиқ овқат маҳсулотлари нархи ортиб бормоқда ёки бошқача айтадиган бўлсак озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид кучайиб бормоқда, бу таҳдидларни юзага келтирувчи омилларни шартли равишда икки гуруҳга ажратишимиз мумкин²:

² Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф фикри.

- ички омиллар;
- ташқи омиллар.

Озиқ-овқат хавфсизлиги таъсир кўрсатувчи омиллар таркибини 1-расмда кўришимиз мумкин.



1-расм. Озиқ-овқат хавфсизлиги таъсир кўрсатувчи асосий омиллар³

Озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашга таъсир қилувчи асосий омиллардан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ҳисобланади, чунки мамлакат аҳолисининг озиқ овқат маҳсулотлари билан

³ Муаллиф томонидан тайёрланган

етарли даражада таъминланганлиги ва хавфсизлик даражаси ривожланган мамлакатларда юқори ва аксинча ривожланмаган мамлакатларда паст даражада бўлади. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига қараб унда озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланган ёки таъминланмаганлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Мамлакатимизда йилдан йилга ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кузатилмоқда ва мос ҳолда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш даражаси ҳам ортиб бормоқда. Озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга сув ресурсларининг етарли даражада ёки танқислиги ҳам жуда кучли таъсир кўрсатади, мамлакатимизда сув ресурслари чекланганлиги суғориш мавсумида сезиларли даражада бўлганлиги сабабли, экин турлари мос ҳолда танланади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги таъсир қилувчи ички омиллар билан биргаликда ташқи омилларнинг ҳам таъсири сезиларли даражада юқори ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётидаги турли ижтимоий-иқтисодий инқирозлар, хусусан COVID-19 пандемиясининг тарқалиши, ҳозирги кунда Россия ва Украина ўртасидаги уруш озиқ-овқат хавфсизлигига жуда катта салбий таъсир кўрсатди. COVID-19 натижасида халқаро даражада ишлаб чиқариш ҳажми камайди шу билан бирга пандемия муносабати билан давлатлараро чегараларнинг ёпилиши натижасида маҳсулотлар ва хизматларнинг экспорт ва импорти тўхтаб қолди. Озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш тизими ишдан чиқди, уларнинг нархи кескин ортиб кетишига сабаб бўлди.

Россия ва Украина ўртасидаги уруш натижасида жаҳон бозорига асосий дон етказиб берувчи ушбу давлатларда етиштирилган дон маҳсулотлари истеъмолчиларга етиб бормай қолди. Чунки ривожланган давлатлар Россияга нисбатан турли санкцияларнинг жорий этишлари ва Украинада етиштирилган дон маҳсулотларини портларда Россия томонидан ушлаб турилиши бозордаги талабнинг ортишига ва таклифни қисқаришига сабаб бўлмоқда ҳамда мос равишда озиқ овқат маҳсулотлари нархлари ортиб бормоқда. Озиқ-овқат хавфсизлиги ташқи омиллар таъсири кучайиб бораётганлиги ҳақида мамлакатимиз президенти Ш.Мирзиёев “Маълумки, дунёда озиқ-овқат танқислиги кучайиб бормоқда. Экспортга қўйилаётган чекловлар ва транспорт-логистикадаги узилишлар муаммоларни янада чуқурлаштирмоқда. Таҳлилларга кўра, жорий йилда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи камида 20 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда” деб таъкидлади. Республикамизда бу борада амалга оширилаётган ишлар ва олиб борилаётган ислохотлар аҳолини турмуш фаровонлигини яхшилаш ва уларнинг бирламчи эҳтиёжларни етарли даражада таъминлаш ҳукуматнинг асосий вазифаларидан бири эканлигини кўрсатиб турибди. Жумладан

мамлакатимиз иқтисодий тараққиётни белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60 сон Фармони 1-иловасининг 22-мақсадининг бир қисми сифатида Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш дастурини амалга ошириш назарда тутилган ва бунда озиқ-овқат хом ашё базасини кенгайтириш ва органик маҳсулотлар ҳажмини босқичма-босқич ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўрсатилган. Жумладан дастурга кўра 2022 йилда Давлат инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 440 млн АҚШ доллари бўлган 50 та йирик лойиҳани амалга ошириширилади ҳамда 2026 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 7,4 млн тоннага, қайта ишлаш даражасини сут бўйича 32 фоиз, гўшт — 25 фоиз, мева-сабзавот — 28 фоизга етказилиши назарда тутилган (мурожаатнома, 2022). Мамлакатимиз аҳоли сони ўсиб боришига мос ҳолда уларни озиқ овқат маҳсулотлари билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Ҳозирда мамлакатимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ва таклиф ўртасида сезиларли салбий тафавуд кузатилмоқда, жумладан мамлакатимиз аҳолисининг ўсимлик мойига бўлган йиллик талаби 475 минг тоннани ташкил этади. Аммо ёғ-мой корхоналари томонидан 259 минг тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан аҳоли эҳтиёжининг 55 фоизга таъминланмоқда. Ички бозор эҳтиёжининг 45 фоизи эса импорт ҳисобига тўлдирилмоқда. Мамлакатимизда ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш қуввати 425 минг тоннани ташкил этади. (халқ сўзи газетаси) Мамлакатимиз аҳолисини ўсимлик мойига бўлган эҳтиёжининг 90 фоизини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар имкониятидан фойдаланган ҳолда таъминлаш имконияти мавжуд бўла туриб фақатгини аҳолининг 55 фоиз эҳтиёжига етарли ишлаб чиқариш ташкил этилган, шу сабабли мавжуд имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланган ҳолда бу соҳадаги муаммоларга ечим топишимиз мумкин бўлади.

Ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларнинг эскирганлиги қишлоқ хўжалигида озиқ овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмига салбий таъсир кўрсатса, саноатда уларни қайта ишлаш даражасига салбий таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар эскирган бўлса, қишлоқ хўжалигида ҳам қайта ишлаш саноатида ҳам унумдорлик ва сифат даражаси паст бўлади. Ишлаб чиқариш асосий воситаларни модернизациялаш, бу соҳага инвестицияларни жалб қилиш ҳамда инновацияларни жорий қилиш орқали мазкур муаммоларни ҳал қилиш имконига эга бўламиз.

Экин майдонлари ва яйловларни қисқариб бориши, озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми камайишига олиб келади бу масалада ечим сифатида ҳосилдорликни ошириш учун инновациялардан самарали фойдаланиш ҳамда иқтисодий харажатларни кўпайтиришга аҳамият бериш керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60 сон Фармони
2. Murojatnoma (2018) O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2018 yil 29 dekabr. / Address (2018) Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis. December 29, 2018.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2022 йил 22 декабрь
4. Абулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва йўналишлари. Монография. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2017. – 152 бет.
5. president.uz Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун қўшимча имкониятлар белгиланди
6. Гордиенко Д.В. Основы экономической безопасности государства. Аналитический доклад.-М., 2009.-С.48.
7. Кравченко С.А. Фактор еды в биополитике и национальной безопасности // ВЕСТНИК МГИМО УНИВЕРСИТЕТА, 2014. – № 6 (39). – С. 189–198.
8. Никитенко П.Г., Булавко В.Г. Экономическая безопасность: теория, методология, практика. Институт экономики НАН Белоруси. – Минск: Право и экономика, 2009. – С.178-179.
9. <https://xs.uz/uzkr/post/oziq-ovqat-sanoati-uyushmasi-raisi-osimlik-yoginarkhining-kotirilishiga-izoh-berdi>
10. <https://stat.uz/uz/>
11. www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси